Gazeta 1997 - yil 27 - avgustdan chiqa boshlagan

# HUQUQ

Mustaqillik huquq demakdir

№ 45 (206), 14-20 noyabr 2001-yil

YURIDIK GAZETA



*Тошкент гольф клуби*

А. ТЎРАЕВ олган сурат

● РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

## МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Ўтган душанба куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказида навбатдаги ўқув машғулотлари бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаларининг суриштирувчилари икки ҳафта мобайнида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида иш ташкил этиш тўғрисида тегишли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар оладилар.

**Ўз мухбиримиз**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар прокурори вазифасини бажарувчи М. Мирзаев олиб борди.

Йиғилишда аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан судлар томонидан жиноий жазо тайинлашда қонун талабларининг бажарилиши, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш, сотиш, қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини суд тергови амалиётида прокурор ваколатини таъминлаш аҳволи, маҳаллий ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш, бандлик ва бошқа идораларда аҳоли ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама этилди.

Мажлисда, шунингдек, Юнусобод туман прокуратурасида ўтказилган ялпи текшириш натижалари кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

*Ушбу сонда*

**ҲАЁТ ГЎЗАЛ, ОДИЛ ИМТИҲОН**

*ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ ДИЛШОД ИСРОИЛОВ БИЛАН МУЛОҚОТ*

2- *саҳифа*




Қай кўз билан кўрсинки, ҳовлида ўғли ҳам қонга бўялиб ётар, уй ичида эса норасида невараси ҳам бир умрлик «уйқу»га кетганди. Отанинг фарёди осмонга ўрлади. Нега, нега бундай қилишган? Бунчалар бешафқат қотил ким? Гўдакнинг гуноҳи нима?

6- *саҳифа*

**ЧЕКИШНИ ҚАЧОН ТАШЛАЙМИЗ?**



Ўтган асрнинг бошларида ҳатто Европада ҳам кашанда аёллар «оқ қарға»дай гап эди. Бугунги ҳисоб- китобларга қараганда эса ер юзидаги аёлларнинг 12 фоизи кашанда экан. Бу дегани ҳар 12 аёлдан бири тамаки тутатади.

8- *саҳифа*

● АНЖУМАН

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

**ЯҚИНДА Олий Мажлис биносида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши — суд-ҳуқуқ ислоҳотида муҳим босқич» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

**Конференция ишида Олий Мажлис депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ўтган даври мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини янада ўстириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган масала сифатида белгиланди. Бу эса бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсад қилиб қўйилганлигининг яққол намунасидир.

ТДЮИ ректори М.Рустамбоев, Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи С.Ортиқова, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раиси Г.Эшонхонова ва бошқалар қонун ҳужжатларимизнинг инсонпарварлик тамойилларига алоҳида тўхталиб, парламентнинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мунособати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши судлар фаолиятини янада демократлаштириш ва такомиллаштириш, мустақил давлатимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштириш ва қатъият билан олиб боришни талаб этмоқда. Адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, қонунларимиз ҳам, албатта адолатли бўлиши керак.

Анжуманда оғир жазо, айниқса, фуқароларни озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазонинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлиги, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлигини жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунга хилоф хатти-ҳаракат содир этган шахс ўз қилмишига яраша жазо муқаррар эканлигини қанчалик англашига боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор каратилди.

(Давоми 5-бетда)

ОБУНА -2002




ЙНДЕКСЛАРИМИЗ:

| «Ҳуқуқ» газетаси | «Қонун ҳимоясида» журнали |
|---|---|
| якка обуначилар учун - 231. ташкилотлар учун - | якка обуначилар учун - 839. ташкилотлар учун - |

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta`sischilar

O`zbekiston Respublikasi prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay`ati:
Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas`ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot qo`mitasida №00150 raqam bilan ro`yxatga olingan
Nashr ko`rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G`ulomov ko`chasi, 66-uy.
**Telefon:** 133-82-34.
**Reklama va e'lonlar:** 77-68-67, 77-59-31.
**E-mail:** huquq@InfoNet.Uz

Tahririyatga kelgan qo`lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas`ul.
Nashrimizdan ko`chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko`rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko`chasi, 41.

Buyurtma Г - 2949
Nusxasi — 15475
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir: H. NISHONOV**
**Navbatchi: N.MAHMUDOV**

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

**Энг қутлуғ инъом —яшамоқ бахти фақат яратгандан насиб ва жон аҳлига фақат бир марта берилади. Лекин бу бахтни ҳамма ҳам бахт деб билаверадими, қадрига етадими? Ахир уч-тўрт дақиқа нафас олмай турилса, биз пайқамаган оддий нафас олмоқ қадри, яшамоқ қадри сувратланмайдими?! Ҳар қандай мушкулот, муаммо ва қийинчиликлар ҳам шу мўъжизавий нафас олмоқни тугатмоққа, ўз жонига қасд қилмоққа арзимайди. Лекин нега шу каби воқеалар содир бўлади? Уларни бирон чора ёки куч билан тўхтатиб бўладими? Хоразм вилоят прокурори Дилшод ИСРОИЛОВнинг қуйидаги мулоҳазаларида ана шундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган.**

● ПРОКУРОР ТАҲЛИЛ ҚИЛАДИ

# ҲАЁТ ГЎЗАЛ, ОДИЛ ИМТИҲОН

## *ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ ДИЛШОД ИСРОИЛОВ БИЛАН МУЛОҚОТ*

— АЙТИШЛАРИЧА, Луқмони ҳаким минг йил умр кўриб «орқа эшикдан кириб қибла эшикдан чиққанча бўлмадим», деган экан. Шунча узоқ яшаб ҳам одам ёруғ оламга ҳеч қачон тўймаслигига ишора бор бу ҳикматда. Кўпинча ўз жонига қасд қилувчиларни руҳий касалликка чалинган бўлса керак, уни барибир ҳеч ким, на ҳуқуқий чора ёки четдан бирон куч тўхтатиб қола олмасди, деб тахмин қилишади. Гоҳида бу мудҳиш ҳодисанинг рўй беришига фаслларни - баҳор ҳамда кузни сабаб қилиб кўрсатишади. Аслида улар турмушнинг арзимаган ташвишларини кўтара олмаган, озгина эс-хаёлини қийнаган ўйларни бартараф қилолмай, охир-оқибатда тушкунликка тушган кишилар, холос. Шу ўйларни енгиш учун киши ўзида озгина ирода топа олса ёки унга ён-атрофдан салгина суянчиқ, эътибор топилса бўлгани.

Лекин, прокуратура ходимлари ҳодиса рўй берганлиги тўғрисидаги хабардан сўнг, воқеа жойига чиққанларида фақат иккита саволнинг ечимини излашади.

Хўш, бу ерда қандай ҳодиса юз берган? Қасддан ўлдирилганми ёки ўз жонига қасд қилганми? Балки унинг жонидан тўйгудек даражага етишига кимнингдир раҳмсиз муомаласи, шаъни ва қадр-қимматини муттасил камситиши сабаб бўлгандир? Жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик шу саволларнинг ечимига боғлиқ.

Баъзи аёлларнинг ўз жонига қасд қилишларига асосан оилавий келишмовчиликлар сабаб бўлса, аксарият ҳолларда вояга етмаган фарзандларнинг ота-онаси билан муносабатларидаги айтишга арзимайдиган тушунмовчиликлар туфайли шундай ҳолатлар содир этилган.

Тўғри, содир қилинаётган ҳодисанинг баъзиларида жиноят аломати бўлмаслиги мумкин. Лекин шу ҳодисанинг-да олдини олиш мумкин-ку.

Содир қилинган ўз жонига суиқасд ҳодисалари ўрганилиб, таҳлил қилиниб, вилоят ҳокимиятига ахборот берилди. Шундан сўнг ҳокимият томонидан аёллар ҳамда вояга етмаганлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун комиссиялар тузилди.

Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёллар содир этган ҳар бир ҳодисанинг сабаблари ўрганилиб, муҳокама қилина бошланди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вилоятдаги барча мактаблар, лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида жиддий тадбирлар ўтказди.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан ЎзТВ «Маънавият» таҳририяти бош режиссёри Н. Қосимов томонидан суратга олинган «Умр баҳоси» видеофильми маҳаллий телевидениеда, ҳар бир маҳаллада, мактабларда ёшларга қўйиб берилиб, унинг моҳиятини кенгроқ тушунтириш мақсадида бу хусусда анкета тарзида савол-жавоблар қилинди.

Албатта, қилинган ҳар қандай меҳнат самарасиз қолмайди. Жорий йилнинг 9 ойида аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари ўтган йилнинг 9 ойи билан солиштирилганда умуман камайган. Вояга етмаганлар ўртасида бу кўрсаткич ўтган йилдагига тенг бўлган.

Таъкидлаш керакки, кейинги уч-тўрт йил ичида аввал жуда кам қайд қилинган бир ҳолат - гиёҳвандлик моддаларини кўп миқдорда истеъмол қилувчилар ва бунинг оқибатида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ортмоқда. Масалан, бу йил ўз жонига қасд қилган 51 нафар эркакнинг аксарияти наркотик моддага ружу қўйганлиги, оқибатда оғир дардга учраб қолганлиги аниқланди.

Тўғри, гиёҳвандликка мубтало бўлганлар олдинги йилларда ҳам бор эди. Лекин нега айнан бугунги кунга келиб улар бу ишга кўпроқ қўл ураяптилар, деган савол туғилади.

Кейинги пайтларда гиёҳвандликка қарши курашнинг кучайиши натижасида кўплаб бангихоналар бартараф қилинди, кўплаб оғуфурушлар қўлга олинди. Айниқса вилоят телевидениесида ҳафтада 2 маротаба бериб борилаётган «Криминал хабарлар» кўрсатуви оммани хушёрликка тортиб, «ишонч» телефонига кўплаб бангихона, оғуфурушлар ҳақида хабарлар келди.

Шу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда қисман бўлсада гиёҳвандликнинг камайишига эришилди. Эндиликда героин балосига мубтало бўлганлар учун уни сотиб олиш муаммога айланди. Балки шу вазият гиёҳвандларни эсанкиратиб қўйган бўлса ажабмас.

Дарвоқе, масаланинг яна бир томони бор. Вилоятда аслида гиёҳванд моддаларга ружу қўйиш ҳоллари 1997 йиллардан бошлаб кўпроқ қайд қилинган.

Гиёҳвандликка мубтало бўлган, тиббиёт тили билан айтганда, қаттиқ бетобликка учраган кишилар маълумки узоғи билан 4-5 йил яшайди. Чунки бу хасталик билан улар ижтимоий фикрлашни йўқотиб, жисмонан заифлашиб, маънан қашшоқлашиб борадилар ва боши берк кўчага кириб қолганлигини англаб, кўпинча ўзларига шундай «ҳукм» чиқарадилар. Шу йилнинг февралида ўз жонига қасд қилган С. Ким ўлими олдидан ота-онаси номига қолдирган хатида худди шу тушкунликни баён этиб қолдирган.

Албатта, ҳар қандай яра ҳам олдини олинмаса у газак олиб кетаверади. Сергейга ўхшаб бундай дардга учраб, охир-оқибат ўз жонига қасд қилаётган фуқароларни бу хасталикдан халос қилмоқ даркор.

Таъкидлаш керакки, бу хасталикка учраган кишилар ҳеч қачон бу дарддан халос бўлиш учун ўзлари ҳаракат қилмайди, қилолмайдилар. Уларни мажбурий даволашдан ўзга чора йўқ. Мана, маҳаллий аҳолининг ўзи шу ҳақиқатни тушуниб етиб, уй шароитида мажбурий даволаш тизимларини яратиб, гиёҳвандликка муккасидан кетган яқинларини уй ичига ёки панжара ичига қамаб, бирон жойга боғлаб қўйиб даволашга ҳаракат қилмоқдалар.

Лекин, афсуски вилоят руҳий касалликлар шифохонасида атиги 10 ўринли мажбурий даволаш бўлими бор. Назаримда мажбурий даволаш ўринларини кўпайтириш, ҳатто бу беморларга махсус қўриқчилар тайинлаш лозим. Чунки даврнинг ўзи бу тизимни такомиллаштиришни тақозо этаяпти.

Ҳа, ҳаёт гўзал, одил имтиҳон. Буни инсон қанча теран англаса, илғаса, ҳаётни шунчалар севади, уни шу оламга боғлаган азиз жонини қадрлашни ўргана бошлайди.

Дарҳақиқат, шу азиз жонни ўртаган ўткинчи дардлар тангри иноятига шак келтирмоққа, ҳаётдан воз кечиб, бежаноза дўзах қаърига ўзни ташламоққа арзимайди ҳам.

**Муқаддас ИСМОИЛОВА**
**ёзиб олди**

● МУЛОҲАЗА

# ФИКР МАЙДОНИ




Кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси деганларидай бугунги ахборот асрида ўқувчилар меҳрини қозониб бораётган нашрлар орасида мен доим севиб ўқийдиган «Қонун ҳимоясида» журнали ҳам бор. Яқинда журналнинг 9-сонини олиб, баъзи мулоҳазаларимни билдиргим келди.

Айни кунларда терроризм ва унга қарши кураш масаласи ОАВларининг бош мавзусига айланиб қолди. «Тинчлик — буюк иноят» сарлавҳали мақолада таъкидлаганидек, аслида АҚШда содир этилган ҳодисалар юз бермаслиги мумкин эди. Президентимиз 1993, 1995, 2000 йиллари энг обрўли минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамиятини огоҳлантирган эди. Терроризм Америкада ўзининг мудҳиш қиёфасини намойиш этгандан кейин дунёнинг ривожланган давлатлари оёққа қалқиди. Афғонистондаги террорчи гуруҳларга қарши уруш бошланди. Уруш барибир уруш-да. Шунинг учун биз ўқувчилар муаллифнинг фикрига қўшиламиз: жафокаш афғон биродарларимиз хонадонига тезроқ тинч ҳаёт қайтиб келишини истаймиз.

Маълумки, мулк ҳуқуқи инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари сирасига киради. Яқинда Олий Мажлис томонидан мамлакатимизнинг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш киритиш ҳақида қабул қилинган қонунга кўра ЖК санкциясидан мол-мулкни мусодара қилишнинг олиб ташланганлиги мазкур тамойилнинг тан олиниши бўлди. Республика бош прокуратураси бўлим бошлиғи И.Жасимовнинг «Фуқаро манфаатлари қонун ҳимоясида» рукнида берилган мақоласида прокуратура аралашуви билан бир юртдошимизнинг мусодара этилган «Тико» автомашинаси ва «Панасоник» видеокамераси қайтариб берилганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Мақолани ўқиб хулосага келдимки, фуқаролар ҳуқуқлари бузилганда даъво қилишни ҳам билишлари керак экан.

Пул ҳам мулк. Пули кўп бўлишини истамайдиган одам камдан-кам топилади. Айримлар борки, ҳалол йўл қолиб, пул топишнинг қинғир йўлларини ихтиёр этади. Замонавий компьютер ва принтерлардан фойдаланиб қалбаки пул чиқаришга уринувчилар шулар жумласидан. Бунинг учун ЖКнинг 176-моддасида жазо чоралари белгиланган. Журналдаги «Қалбаки пул, қимматли қоғозлар ясаш ва уларни ўтказиш» сарлавҳали мақолада мавзуга оид қизиқарли маълумотлар билан танишиш мумкин.

Эътиборимни тортган мақолалардан яна бири ТДЮИ доценти О.Зокированинг рашк ҳақидаги мақоласи бўлди. Муаллиф бу туйғуни имконият доирасида таҳлил этишга ҳаракат қилган. Бироқ унинг баъзи фикрларига қўшилиб бўлмайди. «Криминологик нуқтаи назардан шуни таъкидлаш керакки, рашкнинг барча кўринишлари ҳам жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин» деб ёзади О.Зокирова. Ҳолбуки пайғамбаримизнинг ҳадисларидан бирида «рашк иймондандир» дейилади. Бу ҳақда журналнинг кейинги сонларидан бирида мутахассислар фикр билдирсалар яхши бўлар эди.

«Ўзбек детективи» рукнида берилган «Қасос алангаси» қиссаси ҳам ўқувчини фикрлашга ундайди.

**Файзулло ЭРНАЗАРОВ,**
**Самарқанд вилояти**

МУНОСАБАТ

# МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ

**М.БОБОНИЁЗОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари**

**Бойлик деганда бировларнинг кўз олдига жиринглаган олтин тангалар келса, бировлар соддагина қилиб «тан-сиҳатлик — туман бойлик» деб қўяди. Дунё саҳнида рўй бераётган ҳодисаларни ўзимча таҳлил қилиб, шундай хулосага келдимки, бугунги кунда олам аҳли учун тинчлик, барқарорликдан қимматлироқ бойлик йўқ.**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг уни юздан зиёд мамлакат тан олганлиги бизнинг ютуғимиздир. Ўлкамизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни дунё барқарорлигининг бир қисми сифатида тан олиб қутлаётган давлатлар кўплигини эътироф этган ҳолда Ўзбекистон ва унинг сарҳадларидаги вазиятни беқарор қилиб кўрсатишдан манфаатдор кучлар ҳам борлигини таъкидлаш зарур. Бу айниқса Афғонистонда юз бераётган ҳодисалар манзарасида яққол кўзга ташланди.

Толибларнинг Ўзбекистонга бостириб киришга шай турганлиги ёхуд Америка ҳарбий авиацияси Ўзбекистон ҳудудидан туриб Афғонистондаги террорчилик базаларига зарба бераётганлиги ҳақидаги уйдирмалар шулар жумласидан. Аслида буларнинг бари халқимиз орасида ваҳима уйғотишга, тинч меҳнатдан чалғитишга қаратилган бўҳтондир. Буни мамлакатимиз Президенти матбуотда эълон қилинган баёнотида ҳам алоҳида таъкидлади. Мазкур баёнотда қўшни Афғонистонда юз бераётган ҳодисаларга Ўзбекистоннинг муносабати очиқ-ойдин кўрсатиб берилди.

Бизнинг олий мақсадимиз — тинчлик. Халқимиз осойишталигини таъминлашда асосий масъулият ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари зиммасига тушади.

Бугунги ички ишлар ходими қандай бўлиши керак? Бу саволнинг жавоби оддий: у сиёсий саводли, бурчига содиқ, вазифасини бажариш учун етарли даражада жисмоний чиниққан, юксак маънавиятли инсон бўлиши лозим. Айтилган сифатларга эришиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда ҳам бир қанча тадбирлар амалга оширилаяпти. ИИВ тасарруфидаги 17 та туман, шаҳар ички ишлар бўлимлари замонавий компьютер, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланди. Тўрткўл, Нукус туманлари, Нукус шаҳар ИИБларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Жорий йилда вазирликнинг янги профилакторияси ишга туширилиб, ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари даволаниб, дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Маълумки, касалликни даволашдан унинг олдини олиш осон. Бунинг энг мақбул йўли спорт билан шуғулланишдир. Республика ички ишлар идораларидаги «Динамо» спорт жамиятининг ташаббуси билан ҳар йили яккакураш турлари, футбол, волейбол бўйича мусобақалар ўтказилади. Катта сержант Б.Жусипбеков миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган бўлса, Қорақалпоғистон ИИВ жамоаси қўл жанги бўйича мамлакатимизнинг 26 жамоаси орасида 4-ўринни эгаллади. Булар бизнинг фахримиздир.

Жиноятчиликка қарши курашда кадрларнинг тайёргарлиги, малакаси кўп нарсани ҳал қилади. Бугунги кунда ИИВ академиясини битириб бизга ишга келаётган ёшлар сони ҳар йили 50 нафардан ошаяпти. Мустақилликдан илгари бундай ёшлар сони 4-7 атрофида бўлганлиги бугун тизимда кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор қай даражада эканлигидан далолат беради.

Ходимларимизнинг сиёсий билимини ошириш мақсадида ҳар йили махсус курс ташкил этилади. Республикамизнинг таниқли шоир-ёзувчилари, санъаткорлари, меҳнат қаҳрамонлари билан ташкиллаштирилаётган учрашувлар барчамиз учун бирдай мароқли бўлмоқда.

Сўзимнинг охирида бир нарсани таъкидлашни истар эдим. Осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш фақатгина милиция ходимларининг вазифаси деб ҳисобловчи юртдошларимиз, кам бўлса-да, учраб туради. Йўқ, аксинча, бу ҳаммамизнинг вазифамиз. Бир ёқадан бош чиқариб, якдиллик билан ҳаракат қилсаккина, мақсадга эришиш осон бўлади. Бу фикрни бугун жаҳон миқёсида терроризмга қарши олиб борилаётган курашга нисбатан ҳам татбиқ қилиш мумкин.

**Инсон табиати шундайки, у доимо яхши яшашга интилади. Бу мақсадга кимдир ўзининг ҳалол меҳнати билан, кимдир эса бошқаларнинг ҳисобига эришишга ҳаракат қилади. Яна бир нарса — қоқилганларга ёрдам қилиш, адашганни тўғри йўлга солиш ва муҳтожларга мурувватли бўлиш ҳам инсонга хос фазилатдир. Лекин у доимо ана шу фазилатга хос иш қиладими? Бу саволга бирданига «ҳа» деб жавоб бериш қийин, албатта. Негаки, беш бармоқ баравар эмас деб қўйибдилар.**

# НИЗОЛИ

## ПРОКУРАТУРА АРАЛАШУВИ БИЛАН ИККИ ЙИЛЛИК ТОРТИШУВГА НУҚТА ҚЎЙИЛДИ

П.Мирумян ва Г.Попандопуло аслида бир неча йиллик қадрдонлар. Яхши ёмон кунларда доимо бирга бўлишган, сирдош-синашта одамлар. 1995 йили Г.Попандопуло ота юрти Грецияга кўчадиган бўлиб қолди. Ниятини дўстига айтганида П.Мирумян унинг уйини сотиб оладиган бўлди. Ўша йилнинг 7 июлида икки томонлама олди-сотди битими тузилиб, нотариус томонидан тасдиқланди. Шу тариқа Мирумян Тошкент шаҳри Левитин кўчасидаги 1-«а» уйнинг 3-хонадони соҳибига айланди. Г.Попандопуло эса Грецияга кўчиб кетди.

Орадан тўрт ой ўтгач, Попандопуло яна Тошкентга қайтиб келди ва тўғри эски қадрдонининг олдига борди. П.Мирумян уни меҳмонга келибди-да, деган ўйда қучоқ олиб қарши олади.

— Бўлмади, дўстим, у ёқда ҳаёт бутунлай бошқача экан. Яшай олмадим. Агар хўп десанг вақтинча сеникида яшаб турсам...

— Албатта-да, ахир кўчада яшолмайсан-ку. Уй сотиб олгунингча бемалол, худди ўз уйингдагидай яшайвер.

— Раҳмат дўстим, бу яхшилигингни сира унутмайман.

Попандопуло ҳақиқатан ҳам худди ўз уйидагидай яшай бошлади. Аммо орадан кўп ўтмай унинг фикри ўзгариб қолди. Судга ариза ёзиб, 1995 йилги олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўради. Бунга у уй қиймати тўлиқ тўланмаганлигини асос қилиб олди.

Мирзо Улуғбек тумани суди 1999 йилнинг 11 августида қабул қилган қарорида баҳсли хонадон юзасидан тузилган олди-сотди битими-



А. ТЎРАЕВ олган сурат

*Дугоналар.*

**Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида эълон қилинган амнистия ҳақидаги Президентимизнинг Фармони давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати мазмун-моҳиятининг инъикосидир. Бу галги Фармон кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Биринчи марта судланган маҳкумларнинг аксарияти озодликка чиқарилаяпти, бундан кейин ҳалол-пок ишлаб, яшаш имкониятига эга бўлишяпти. Фармонга кўра маҳкумларнинг қарийб ярми оилалари бағрига қайтишлари кутилмоқда.**

ИНСОНПАРВАРЛИК

# ИМКОН

## АМНИСТИЯ АВФ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАКРОР ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРМАСЛИГИ КАФОЛАТИДИР

Андижон вилоятида ҳам мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ва уни қўллаш жараёнида қонунбузарликларга йўл қўймаслик, жазони ижро этиш жойларидан қайтганларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга қариялар, ногиронлар уйларидан бошпана бериш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, моддий ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар қўйилган.

Ушбу Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан вилоят, шаҳар, туманларнинг судлари ва прокуратура идоралари ходимлари иштирокида семинар машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари П.Бобожонов иштирокида ўтказилган машғулотда прокуратура идоралари ходимларининг бу борадаги аниқ вазифалари белгилаб берилди. Фармоннинг мазмун-моҳияти маҳаллий матбуот ва телевидение орқали фуқароларга етказилмоқда. Меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтаётган учрашувларда Фармонни ҳаётга татбиқ этиш тадбирлари билан фуқаролар таништирилаяпти.

Вилоятимизда шу йил 15 октябрга қадар бир неча юз нафар шахсга Фармон қўлланилди. Шулардан кўп қисми озод этилди. Вилоятимизга жазони ўташ муассасаларидан қайтиб келган собиқ маҳкумлардан 417 нафари ҳокимият қошидаги «кўникма марказлари» рўйхатига қўйилиб, тиббий кўрикдан ўтишди. Хасталикка чалинганлар касалхонага жойлаштирилди. 44 нафар собиқ маҳкумларга ишга жойлашгунларига қадар ёрдам тариқасида моддий ёрдам берилди. Вилоятда озодликка чиққан барча маҳкумларга квоталар иш жойлари ажратилган. Уларни ишга жойлаштириш учун меҳнат биржаларига йўлланмалар берилмоқда. Жазони ўташ жойларидан қайтганларнинг келгуси тақдирлари биринчи навбатда ана шунга боғлиқ. Йўлланма бўйича келган собиқ маҳкумлар меҳнат жамоасида ишлаш ёки ўзига муносиб деб билган якка тартибда меҳнат қилиш орқали жамиятда қайтадан ўз ўрнини топиш, такрор жиноятга қўл урмайди. Ишлашни истамаган ёки ишлаш имкониятини топа олмаган собиқ маҳбус эса руҳий тушкунликка тушиб, жамиятда ўзини бегона, кераксиз деб ҳис қилиш оқибатида такрор жиноят содир этиши мумкин. Ана шуни эътиборга олиб, шаҳар ва туман прокуратуралари жазони ўташ муассасаларидан қайтаётганларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаяптилар. Текширишларда айрим шаҳар ва туманлардаги комиссиялар бу борада сусткашлик қилишаётгани, баъзи шаҳар ва туманлардаги меҳнат биржалари йўлланма билан мурожаат этганларни ишга жойлаштиришни пайсалга солишаётгани аниқланиб, тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Шунингдек, жазони ўташ муассасаларидан қайтганларни рўйхатга олиш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий кўрикдан ўтказиш каби Фармон талабларини тўлиқ бажарилмаётгани аниқланди. Жумладан, Асака шаҳар кўникма маркази, Андижон тумани меҳнат, соғлиқни сақлаш бўлимларида юқоридагидай қонунбузарликлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди.

Фармон эълон қилинганидан кейин вилоят прокуратураси ходимлари вилоятдаги жазони ўташ муассасаларига бориб, маҳбуслар билан суҳбатлашдилар. Уларга Фармоннинг инсонпарварлик моҳиятини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, туғилиб ўсган шаҳар ва туманларга қайтганларидан кейин ҳаётда ўз ўринларини топиш имкониятидан фойдаланишлари зарурлигини атрофлича тушунтиришди.

Авф этиш, кечириш, кечиримлилик халқимизнинг фазилатларидандир. Собиқ маҳбусларнинг бу имкониятлардан фойдаланишлари давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг саъйи-ҳаракатигагина эмас, уларнинг ўзларига ҳам боғлиқдир.

**Каримжон МАМАТОВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари**

ХАБАР

# МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

Яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлди. Куни кеча Хоразм вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг илмий-амалий конференцияси ана шу муҳим мавзуга бағишланди.

Уни вилоят прокурори Д. Исроилов қисқача кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Б. Жамолов маъруза қилди. Шунингдек, конференцияда Республика Бош Прокуратураси бўлим бошлиғи И. Жасимов, вилоят прокурорининг ўринбосари И. Давлетов, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси С. Хўжамуродовлар сўзга чиқдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# ХОНАДОН

ни ноқонуний, деб топиш ҳақидаги даъво асоссиз эканлиги учун қаноатлантирмаган.

Г.Попандопуло ишни ярим йўлда қолдирадиган анойилардан эмас экан. Иш туманда ҳал бўлмагач, ариза ёзиб, Тошкент шаҳар судига мурожаат этади.

1999 йилнинг 21 октябрида эса Попандопулонинг даъвоси Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, уни турар-жойга доир ҳуқуқлардан маҳрум бўлган деб топиш ва хонадонни олиш-сотиш битимини ноқонуний деб топилишини рад этиш тўғрисидаги туман судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқарди.

Йиқилган курашга тўймас, деганларидай, икки суд хулосасидан кейин Попандопулонинг ғайратига яна ғайрат кирди. Энди шаҳар суди раёсатига мурожаат этди. Ва айтиш мумкинки, бу сафар ниятига эришди. Шаҳар суди раёсати 2000 йил 19 апрелдаги олдинги суд қарори ва ҳайъат ажримини бекор қилиб, баҳсли хонадонни олиш-сотиш битимини ноқонуний деб топиш ҳамда П.Мирумянни барча оила аъзолари билан бирга бошқа турар-жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисида янги қарор қабул қилди.

Қизиғи шундаки, тортишувлардан зада бўлган Мирумян 1999 йилнинг декабрида ғалвали уйни М.Саркисовага сотиб юборганди. Орадан кўп ўтмай бу уйдан барака топмаслигини сезиб қолган М.Саркисова уни Л.Хуршидянга сотиб қутилди. Хуллас, Тошкент шаҳар суди раёсати қарори ижро этиш палласига келганда уй аллақачон Хуршидяннинг қонуний мулкига айланганди. Бироқ, Мирзо Улугбек туман суди ижрочиси уйнинг ҳақиқий эгаси билан ҳисоблашиб ўтирмай, Г.Попандопулони низоли хонадонга кўчириб киритган, Хуршидян мулкини рўйхатга олиб, Попандопулога топширганди.

Шу тариқа Л. Хуршидян нақд пулига қонуний сотиб олган уйидан ажраб қолаёзди. Агар у вақтида Республика прокуратурасига мурожаат этмаганида шундай бўлиши аниқ эди. Л. Хуршидяннинг шикояти атрофлича ўрганиб чиқилгач, Республика Бош прокуратураси Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъатига назорат тартибида протест киритди.

Ниҳоят, тортишувларга нуқта қўйилди. Олий Суд ҳайъати прокуратуранинг эътирозини тўғри деб топди. Шу тариқа икки йиллик тортишувларга мантиқий ечим топишга эришилди.

**Р.МУҲАММЕДДИНОВА,**
**Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори**

---

● УЯТ

# ШАЪН

«Ношукур банда» деган гапни кўп эшитганмиз. Аммо, давраларда бу гапни эшитсак-да унчалик эътибор беравермаймиз. Кўпгина ҳолларда ношукурлик қилган инсон боши тошга теккач ўз хатосини кеч бўлса-да англаб етади. Мақоламиз қаҳрамони Жўрабек бугун ана шу ҳолга тушиб, қилмишидан пушаймон. Бироқ энди кеч.

...Шу йил 15 июнь куни кечга яқин Жўрабек пичоғини ёнга солиб далага «ов»га чиқди. Боиси, кейинги пайтларда мол терисининг бозори чаққонлигини эшитган. Қоронғи тушиши билан пахта даласи четида турган икки қорамолнинг ипини ечиб пана жойга ҳайдади. Далада ҳеч ким йўқ. Одам қорасини илғаб бўлмайдиган дамда у ишини бошлади. Ҳайдаб келган молларидан бирининг шохидаги арқонни ечди-да, унинг оёқларини боғлади. Тажрибали қассоблардай арқонни бир тортиб сигирни ағдарди-ю бўйнига пичоқ тортиб юборди.

Тонг отаётган ғира-шира дамда Жўрабек молларнинг терисини шилиб бўлди. Бу ишга ишончли шерик топмаганидан афсусланди. 235 минг сўмлик гўштни эплай олмаслиги билиб, териларни қопга жойлаб даладаги чайласига бориб қонга беланган кийимларини алмаштириб олди. Воқеанинг эртасиёқ «Андижон» хўжалигида гап тарқалди: «Шавкат Ҳосиловнинг икки қорамолининг терисини терифурушлар шилиб олиб гўштини жойига ташлаб кетибди». Яхшиямки, Шавкат Ҳосилов молларнинг гўштига эга бўлди. Бироз кечикканда хўжаликдаги итлар учун ҳақиқий «байрам» бўларди. Далада моллари ўтлаб юрган одамларнинг юрагига ғулғула тушди. Хўжаликдагилар оёққа туриб, молларини кўздан ўтказишга тушди.

...Жўрабекни ваҳима босди. Кутилмаганда чайлага молидан айрилган Ш.Ҳосиловнинг укаси Сафар ака ҳовлиқиб келиб қолди.

— Жўрабек ука, ноинсоф терифурушлар акамнинг қорамолининг терисини шилиб, гўштини ташлаб кетибди. Биронта қоп кўтарган кишини кўрмадингми?

— Сафар ака, икки кундан бери оиламиз билан ухламаяпмиз. Бизнинг катта говмишимиз ҳам йўқ - дедиЖўрабек хавотир билан. Сўнг қўшиб қўйди. — Агар ўша терифурушларни ушлаб олсам, ўзим билардим нима қилишни.

Юрагига ғулғула тушган Жўрабек сир фош бўлишидан хавотирга тушиб, териларни йўқотиш дардида далада юрган отига эгар уриб, қопни олиб «қайдасан, Дўстлик шаҳри» деб йўлга тушди.

Жўрабек шаҳарга келиб бозор атрофидан тери оладиган харидор қидирди. Шунда бир одам: «Нортой деган қозоқ йигит бор. Шаҳар ичкарисида туради. Тери олиб Қозоғистонга сотади. Маҳсулотингни ўша олиши мумкин» деди. Жўрабек ҳам сўраб-сўраб Нортойнинг уйини топди.

— Оғайни, 2 та молимиз кеча беда еб дамлаб қолди. Сўйдик. Гўштини қассобларга кўтарасига бердим. Териси қолди. Сизни тери олади деб эшитдим. Қассобга сотиб юбормоқчи эдим. Бироқ номард «товар»ни пастга ураяпти.

14 мингга келишишди. Иши ўнгидан келган Жўрабек отига қамчи босиб Арнасой тумани марказига елдек учиб кетди. Бироқ... Мол эгалари бўлган нохуш воқеадан ИИБ ходимларини ҳам воқиф қилишганди. Тезда туманлари ва қўшни туманлардаги қассоблар ва терифурушлар текширишдан ўтказилди. Кўп вақт ўтмай жиноят фош қилинди.

Биз мақоламизни инсон шаъни ҳақидаги сўзлар билан бошлаган эдик. Албатта бу бежиз эмас. Чунки, инсон шаъни муқаддас. Ўз шаънини ўйлаган инсон нафсини жиловлаб, борига шукур қилиб яшайди. Бу сўзларимиз кўпроқ мақоламиз қаҳрамони ва унга ўхшаган кимсаларга тегишли. Жўрабек қилмиши учун қонуний жазосини олди. Келажакда унинг тақдири нима бўлади. Айни навқирон 20 ёшида «ўғри» деган тамға унинг учун қанчалик оғир эканлигини ҳис қилармикин?

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,**
**Арнасой тумани прокурори**

---

● ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ФИРИБГАР ЧИПТАЧИЛАР



**Ҳаётда ҳамманинг яшаш йўли ҳар хил. Кимдир фақат ўз кайфу сафосини ўйласа, кимдир эзгу ишлар қилишга шошилади. Ҳаётда барча нарсага эришиш учун ҳеч нарсадан, хатто қонунни бузишдан тап тортмайдиганлар бор. Афсуски, баъзилар қонун-қоида, йўриқномаларга риоя қилмаслик, ўз вазифасига совуққонлик билан, яъни «панжа орасидан» қарашлик қонунбузарликка олиб келиши, жиноят содир бўлишига асос солиши ҳақида ўйламайдилар ҳам. Қуйидаги ҳикоямиз ушбу сатрлар тасдиғидир.**

Ўзбекистон транспорт прокуратураси томонидан ўтказилган текширувлар қонунчиликнинг бир неча бор бузилганини кўрсатди. Ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳам шулар жумласидандир.

Ангренлик кассирлар Ирина Халилова ва Анна Чикаловалар 1999-2000 йиллар мобайнида таъминот бўлимида рўйхатдан ўтмаган ҳамда бепул чипта олишга ҳаққи бўлмаган кишиларга имтиёзли талонлар бўйича бепул авиачипта ёзиб бериш билан шуғулланиб келганлар. Улар бу ишда «устаси фаранг» бўлиб кетган экан. Текширув натижалари нафақахўрлик гувоҳномаларига ёзилган барча ёзувлар ушбу кассирлар томонидан тўлдирилганлигини кўрсатди.

Ушбу жиноий ишнинг ташкилотчиси, бош ҳисобчи ёрдамчиси лавозимида ишлаган Марина Работягова ёзилмаган тоза гувоҳномалар ва талонлар қоғози, гербли юмалоқ муҳр ва Ангрен шаҳар ижтимоий таъминот бўлими штампини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган. У бу ҳуқуқдан «унумли» фойдаланиб, «O'zbekiston havo yo'llari» кассирлари И.Халилова ва А.Чикаловалар билан тил бириктирган ҳолда жиноий гуруҳ ташкил қилди. Кассирлар мўмай пул топиш истагида М.Работягова кўрсатмаларини бажариб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, кўзбўямачилик ва ўз лавозимини суиистеъмол қилган ҳолда жиноят йўлига ўтдилар. И.Халилова ва А.Чикаловалар «O'zbekiston havo yo'llari» бош директорининг кўрсатмасига биноан фуқароларга бир йилда фақат бир марта имтиёзли билет ёзиб бериш мумкинлигини билардилар. Улар МАК ва ҲАБА меъёрий ҳужжатларига таяниб, меҳнат ва технологик интизомга, лавозим йўриқномаларига бўйсунган равишда ўз вазифаларини адо этишлари лозим эди. Афсуски, И.Халилова ҳам, А.Чикалова ҳам бу йўриқномалар асосида ишлашни ўзларига эп кўрмадилар. Бунинг натижасида эса йил давомида 50 фоиз чегирмада ҳамда бепул имтиёзли авиачипталарни ёзиб, ярим пулни ўз ҳамёнларига солиш жараёнида авиакомпанияга 5 миллион сўмлик зиён келтириб, жиноят содир этдилар. Тошкент вилоят судининг қарорига кўра, И.Халилова 5 йил, А.Чикалова 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар, шахсий мулклари давлат ҳисобига ўтказилди. Лекин суд гуноҳларини бўйнига олганлиги ҳамда «Оналар ва болалар» йили муносабати билан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллашга ва жазо муддатини 3 йил шартли муддатга алиштиришга қарор қилди. Шу билан бирга улар ЖКнинг 45-моддасига биноан моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлашдан 2 йилга четлаштирилдилар.

М.Работягова эса қилмишларига жавоб беришдан қўрқиб ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидан қочиб юрибди. Лекин ҳақли равишда «қачонгача?» деган савол туғилади. Ахир ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслиги сир эмас-ку!

Шунга ўхшаш яна бир товламачилик ҳолатини Наталья Теплякова мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу аёл Олмалиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходими бўлиб ишлаган. У ҳам ўз вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда бир гуруҳ шахслар билан тил топишиб, қалбаки ҳужжатлар ва муҳрлар тайёрлаш билан шуғулланиб келган. Жиноий иш очилишига эса «O'zbekiston havo yo'llari» МАК ҲАБА авиакассаларидан фуқаро Л.Цойга Тошкент-Москва-Тошкент ва Ҳ.Абдуллаева ҳамда Г.Абдуллаевалар номига Тошкент-Уфа-Тошкент йўналашларига қалбаки ҳужжатлар билан чипта олаётган вақтда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан қўлга олиниши асос бўлди. Н.Тепляковага нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

Хулоса шуки, фуқароларимиз республикамизда жорий этилган қонунларни тўлиқ ўзлаштирмаяптилар, барча қонунлар олдидаги жиддий жавобгарлик ҳиссини сезмаяптилар. Кейинги пайтларда қонунбузарликнинг аёллар томонидан содир этилаётгани эса ачинарли ҳолдир. Айниқса, юқоридаги ҳолатлар лавозимига мувофиқ қонун моддаларига риоя қилишлари керак бўлган кишилар назаридан четда қолмас деган умиддамиз. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, ҳар ким қилмишига яраша қонун олдида, қолаверса, виждони олдида жавоб бериши аниқ. Жиноят қандай ҳолатда ким томонидан содир этилмасин, у жазосиз қолмаслиги керак.

**Акмал ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи.**
**Ҳасан ОРТИҚХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон транспорт прокуратураси катта терговчиси**

---

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Конференцияда алоҳида таъкидланганидек, айримларга вақтинчалик сақлаш хонасида ушлаб турилишнинг ўзи бир умрга етади. Шундай экан, шахсни жазолашдан олдин унга бу йўлга кирмаслигини тушунтириб, бундай қилмиш ўзига ва жамиятга ҳам номувофиқ эканлигини англаб етишишига ёрдам берилса таъсири янада кучлироқ бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам турли сабабларга кўра ёки тасодифан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахслар жазони озодликдан маҳрум этиш муассасаларида ўташи туфайли бир қатор салбий оқибатлар вужудга келар эди. Бу муаммолар биринчидан, ушбу турдаги жазоларнинг салбий оқибати бўлса, иккинчидан уларни сақлашда давлатнинг катта миқдордаги маблағи сарф этилаётганлигини ҳам инобатга олиш зарур. Шулардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 50-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани гоҳида билиб, гоҳида билмай, гоҳида эса эҳтиётсизлик оқибатида ножўя хатти-ҳаракат содир этганларга жазо тайинлашда инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиш имкониятларини яратди.

Янги қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — мол-мулкни мусодара этиш жазосининг бекор қилинишидир. Шу пайтга қадар қўшимча жазо тури сифатида қўлланиб келинган мулкни мусодара қилиш жазосининг олиб ташланиши қонуннинг инсонпарварлик тамойилини яна оширди. Албатта жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк бундан мустаснодир.

Жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қонунларга киритилган ўзгартиришларда вояга етмаганлар масаласи ҳам четда қолгани йўқ. Тажрибадан кўринишича, вояга етмаганга озодликдан маҳрум этиш жазоси уни тўғри йўлга солишдан кўра, унинг «малакаси» ошишига кўпроқ таъсир этиши мумкинлиги, шунинг учун уларни тарбиявий характердаги чоралар билан тўғри йўлга солиш энг мувофиқ усуллардан бири эканлигини анжуман иштирокчилари таъкидлаб ўтдилар.

Анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилиши, шунингдек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш жараёнида ҳуқуқ илмий роли кучайтирилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Олий суд жиноий жазоларни либераллаштириш масалалари юзасидан пленум ўтказиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ масалаларни кенг тушунтириш мақсадида жойларда илмий-амалий семинарлар ташкил этиши зарурлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Шу билан бирга махсус услубий дастурлар тайёрлаш, монография, рисола ва илмий мақолалар чоп этиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг кафедралари ҳамда илмий кенгашларида илмий мунозаралар уюштириш муҳим эканлиги айтиб ўтилди.

**Д. ХАЛИЛОВ**

**2000 йил 9 декабрдан 10 декабрга ўтар кечаси Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида кўз кўриб қулоқ эшитмаган қотиллик содир этилди. Бутун бошли бир оила, яъни эр, хотин ва уларнинг уч яшар норасида ўғилчаси ўта шафқатсизлик билан ўлдириб кетилди. Азадорларнинг ярасини янгиламаслик учун уларнинг исмларини ўзгартириб Нодир, Нафиса ва Жасурбек, қотилни эса Болтабой деб атайлик.**

**СУД ОЧЕРКИ**

# ҚОТИЛ ЕНГИДАГИ ҚОН



Ўлдириб кетилганларнинг қўшниси Обид ака 10 декабрь куни соат 7.30 ларда икки-уч ҳовли нарироқда яшовчи Нодирнинг отаси Жалил аканинг уйига чиқиб, кўчада бир аёл қонга бўялиб ётганини, кийимига қараганда Жалил аканинг келинига ўхшашини хабар қилади. Жалил ака кўчада ётган аёл келини Нафиса эканлигини таниб, ўғлиникига югуради. Қай кўз билан кўрсинки, ҳовлида ўғли ҳам қонга бўялиб ётар, уй ичида эса норасида невараси ҳам бир умрлик «уйқу»га кетганди. Отанинг фарёди осмонга ўрлади. Нега, нега бундай қилишган? Бунчалар бешафқат қотил ким? Гўдакнинг гуноҳи нима?

Тезда милицияга хабар қилишди.

Ғам, кулфат ҳар қанча оғир бўлмасин, барибир, ўзбекчилик... Қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар жанозага тайёргарлик кўришаётганда, милиция ва прокуратурада жиноятни фош этиш ишлари бошлаб юборилди.

Республика Бош прокуратураси раҳбариятининг топширигига кўра, криминалистика бўлими прокурори гувоҳсиз ҳолатларда содир этилган ушбу ўта оғир жиноятни фош этиш, ўз вақтида тегишли экспертизалар ўтказиш, малакали амалий ва услубий ёрдам бериш учун Андижон вилоятига хизмат сафарига юборилди. 2000 йил 10 декабрда Андижон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Н.Курбонов томонидан тезкор-тергов гуруҳи тузиш тўғрисида қарор чиқарилди. Қарорга биноан мазкур жиноят иши бўйича Андижон вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси М.Ибрагимов раҳбарлигида тезкор-тергов гуруҳи тузилди.

Маълумки, жиноятни очиш учун қанчалик тезкор ҳаракат қилинса, суриштирувчи, терговчининг иши шунчалик енгиллашади. Бекорга «темирни қизиғида бос» демаганлар, ахир. Акс ҳолда «қолган ишга қор ёғар» деганларидек, жиноятчи жиноят изларини йўқ қилиб юбориши ёхуд ўзи олис-олисларга қочиб кетиши мумкин.

Бир кечанинг ўзида фарзанди, келини, норасида неварасидан ажралган отанинг қон бўлиб кетган юрагига жиноятчининг ўз вақтида қўлга олиниб, қилмишига яраша жазоланиши озгина бўлса-да таскин беришини юрак-юракларидан ҳис этган тезкор-тергов гуруҳи аъзолари марҳумларни ўзларининг қариндошларидек ҳис этиб, иш бошлашди. Зеро, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида айтилганидек, «ер юзида битта жиноятчига берилган адолатли жазо Ер аҳли учун қирқ кун ёмғир ёққанидан афзалдир». Экспертиза хулосасига кўра, жиноят эрта тонг пайти содир этилган, марҳумларнинг жони соат 4 билан 5 оралиғида узилган. Эр билан хотинни қотил ўткир тиғли жисм билан чопган, гўдакнинг бошига эса орқа томондан оғир, тумтоқ нарса билан урган. Демак, жиноят қуроли болта ёки оғир ошпичоқ бўлган. Болани эса хона ичидаги биронта тош ёки болға билан урган бўлиши мумкин. Ҳодиса жойи дастлаб кўздан кечирилганда жиноят қуроли деб тахмин этилган нарсалардан биронтаси топилмади. Демак, жиноятчи қуролни ўзи билан олиб кетган. Агар шу яқин ўртадаги биронта ариққа ёки ҳандаққа ташлаб юборганда ёхуд томга отиб юборганда, барибир топилган бўларди. Гўдакнинг мурдаси ётган хонадаги сандиқ очилиб ётар, устига йиғиб қўйиладиган кўрпа-кўрпачалар ён томонга ағдариб юборилганди. Сандиқнинг ярми бўшаб ётгани унинг ичидан анча кийим-бошлар ёки каттароқ сумкага ўхшаган нарсанинг олинганлигидан далолат берарди. Ҳовлидаги, айниқса Нодирнинг мурдаси ётган ерда аниқланган изларга қараганда, қотилнинг оёғида чап пойининг тагчарми ейилиб кетган , косиблар тиккан оддий туфли бўлган. Демак, қотил ё оқсоқ, ёки чап оёғини судраб босадиган киши бўлган. Қишлоқ аҳолиси қишда одатда кирза этик ёки маҳси-кавуш кийиб юришади. Қаҳратонда, бунинг устига кечаси ёзги туфлида юрган ким бўлди экан?

Экспертларнинг фикрича, ўткир тиғли предмет билан марҳумларни чопиб ташлаган шахс ожиза аёл ҳам, камқувват чол ҳам, ўспирин бола ҳам эмас, балки куч-қувватга тўлган, эҳтимол кетмон чопиб суяги қотган эркак кишидир. Тиғнинг суякларни парчаламасдан, сариёғни кесгандек кесиб кириб кетганлиги шундан далолат беради.

Марҳумларнинг уйидан одам оёғи узилмас, ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам одамлар келиб, икки калима Қуръон ўқиб, таъзия билдириб кетишарди. Тергов гуруҳининг ишлари бундан-да қизиб кетди. Қотилнинг қарийб барча аломатлари аниқланди. У 30-35 ёшлар атрофидаги кучли эркак киши. Чап оёғини судраб босади. У ё қиморбоз ёки гиёҳвандликка ружу қўйган шахс. Фақат шундай шахслар «дори» сотиб олиш учун керакли пулни қўлга киритиш илинжида тўғри келган одамга, ҳатто ўз қариндошларига ҳам қўл кўтаради, шафқат нималигини билмайди. Топган-тутганини «дори»га сарфлаганлари учун кийим-бош олишга пули йўқ, шунинг учун қаҳратонда ҳам ёзги туфлида юрган бўлиши мумкин.

Тергов гуруҳи суриштирув ишларини қариндошлардан бошлашди.

Марҳуманинг онаси патент асосида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Унинг айтишича, қизи у билан бирга пул алмаштиришга ёрдам бериб юрган. Пулларни у ҳар куни уйига олиб кетган. 2000 йил 9 декабрь куни ҳам соат тахминан 15.30 ларда 500, 200, 100 сўмлик купюраларда бўлган олти юз минг сўмча пулни белига боғлаб, уйига олиб кетган. 10 декабрь куни эса у пул алмаштириш пунктига келмаган. Ўша кечаси она қизини тушида кўрган. Тушида қизи онасига рўмолчада ўралган пулларни узатганича «ойи, пулни олинг», деб қичқириб, ўзи бир ҳандаққа йиқилиб тушган. Она югуриб бориб рўмолни ушлашга улгурган-у, қизнинг қўлидан тутолмай қолган. Эрталаб қизи ишга келмагач хавотирланиб, у яшайдиган жойга бориб жаноза устидан чиққан.

Қўшнилардан бири ярим кечаси, соат тахминан икки-учларда итининг қаттиқ вовуллаганидан уйғониб кетганини, деразадан кўчага қараб, шу қишлоқлик Болтабой қўлтиғига сопи бор болтами, тешами, бир нарсани қистириб олганча ўтиб бораётганини кўрганини хабар қилган. Аниқланишича, Болтабой, йиқилганми ёки ўзи шунақами, ёшликданоқ чап оёғини судраб босаркан.

Йиғилган маълумотларнинг барчаси жиноятни Болтабой содир этган бўлиши мумкинлигига ишора қилиб турарди. Аммо ҳали буни исботлаш керак эди. Тергов гуруҳи Болтабойнинг уйида тинтув ўтказишга қарор қилишди. Прокурор санкцияси билан ўтказилган тинтув давомида жиноятни узил-кесил фош этадиган тўғридан-тўғри далиллар топилмади. Болтабой ҳам «уламан Саттор, ҳеч нарсадан хабарим йўқ» деб, оёғини тираб туриб олди. Аммо гуруҳ аъзолари қотилнинг Болтабой эканлигини ич-ичидан ҳис этиб турардилар.

Шунда гуруҳнинг кўпни кўрган аъзоларидан бири Болтабойнинг билагидан оҳиста тутди.

— Болтабой, оёқ тираб туришнинг фойдаси йўқ. Жиноятни сиз содир этгансиз. Уларни ўлдириб, пулни олиб келиб, ҳовлига яширгансиз. Эгнингиздаги қонга ботган палтони, шимни ечиб яширгансиз, эгнингизга чопон ташлаб, туфлидаги қон изларини ювгансиз. Аммо қон пальто енгидан сизиб, кўйлак енгига ҳам ўтганига эътибор қилмагансиз. Мана, мен қон доғини ушлаб турибман. Келин, хўжайинингизга бошқа кўйлак келтиринг. Бу кўйлакни экспертизага жўнатамиз. Бўлинг, кўйлакни ечинг!

Довдираб қолган Болтабой кўйлакни ечди-ю, ўзини тутолмай ўкириб юборди.

— Ҳа, ҳа, мен, мен ўлдирдим уларни. Уларнинг пули кўп эди. Мен эса шу «лаънати дори»нинг ҳақини тўлашга пул тополмай юрувдим. Қарзга сўраганимда беришмаганди.

Сўнгра у Нодирникидан олинган пуллар, ўзининг қонга ботган кийимлари, жиноят қуроли бўлмиш болта ҳамда уни жиноятга ундаган «лаънати дори», яъни марихуананинг қаерга яширилганини бирма-бир кўрсатиб берди. Болтабой шу ернинг ўзида ҳибсга олинди. Бўлимга келишганда гуруҳ аъзоларидан бири сўради:

— Ака, кўйлак яп-янги эди-ку. Унинг енгида доғ борлигига кўзим тушмади.

— Кўйлак чиндан ҳам яп-янги, ҳеч қанақа доғ йўқ. Болтабой уни Нодирникидан ўмарган пулга сотиб олган. Аммо Болтабойнинг кўзи ўйнаб турганлиги учун мен ҳам бир «ўйин» қилдим-да.

Тергов ҳаракатлари тугаб иш судга оширилди.

Болтабой суд мажлисида ўзининг тергов давридаги кўргазмаларини бирма-бир тасдиқлади, жиноятига тўлиқ иқрор ва пушаймон эканлигини айтди. 2000 йил 9 декабрь кунига қадар у Нодирнинг уйида бўлган пулларни олиш йўлларини ахтарган, режалар тузган. Ниҳоят, 10 декабрь куни қўлида анча-мунча пул бўлишини айтиб, турмуш ўртоғи ва онасини қайнонаси ва опасиникига жўнатиб юборган. 9 декабр шанба куни Нодирнинг уйига қандай қилиб кириш ва пулларни қандай қилиб олиш тўғрисидаги режасини янада пишитиб, кеч соат 22-00 лар чамасида укаси яшаб турган уйга борган. У ердан ўтин ёриш учун ишлатиладиган болтани олиб, яхшилаб чарҳлаб, уйига қайтиб келиб, тунги соат 2-00 ларгача кутган, сўнгра болтани олиб, тўғри Нодир яшаб турган уй олдига келган. Қараса, дарвоза очиқ экан. У Нодир ётган уйнинг эшиги олдига келиб, Нодирни чақирган, Нодир ташқарига чиққанидан сўнг «мотоциклимнинг калити дарвозанг олдига тушиб йўқолиб қолди, шуни топиш керак» деб, алдаб уни дарвоза олдига олиб келган. Нодир ерга энгашиб калитни қидираётган пайтда бошини мўлжаллаб болтанинг кесувчи қисми билан бир мароотаба урган. Нодир «Болтабой, нима қилаяпсан» деб ўгирилганда, болта билан яна бир марта урган. Нодир қўли билан унинг елкасидан ушлаб олганидан сўнг, қўлидаги болта билан тўғри келган жойига ура бошлаган. Нодир ерга йиқилганда хотини Нафиса жанжални эшитиб, уйидан айвонга чиқиб «ҳой ким у, нима қиляпсан» деб чинқириб юборган. Шунда Болтабой Нафиса турган айвон олдига бориб, ундан пулларни талаб қилган. У пулларни бермаслигини айтганидан сўнг, Нафисанинг юзига болтанинг кесувчи қисми билан бир-икки маротаба уриб юборган. Аёл йиқилиб қолгач, ўзи уй ичкарисига кириб, хонадаги сандиқдан пул тўла сумкани олиб, уйдан ташқарига чиққан. Бу пайтда Нафиса кўчада югуриб кетаётган экан. Болтабой сумкани айвонга ташлаб, унинг ортидан қувиб етиб олган ва болта билан унинг тўғри келган жойига бир неча маротаба уриб юборган. Нафиса йўл ўртасида ерга йиқилиб, тинчиб қолгач, айвонда қолдирган пулни олиш учун қайтиб кирган вақтида дарвоза олдида Нодирнинг вояга етмаган ўғли Жасурбек турган экан. Бола «дадамни нимага ўлдингиз» деб сўраганда, унинг бўйнидан ушлаб, дадасини ҳеч нарса қилмаганини айтиб, уй ичкарисига олиб кириб, бошининг орқа томонига қўлидаги болтанинг орқаси билан бир марта урган. Жасурбек шу ердаги кўрпа устига йиқилиб қолгач, хонадан чиқиб, айвонда қолган пул тўла сумкани олиб кетган. Уйига келганидан сўнг устидаги қон бўлиб кетган кийимларини ечиб, пулнинг бир қисмини олиб, қолганини кийимлари билан ўзи яшаб турган уйнинг томига олиб чиқиб, ғўзапоя орасига яшириб қўйган, қўл ва юзларидаги қонни кўчадаги ариқ сувида ювиб, соат 6-00 ларда қайнонасиникига келиб, у ердан турмуш ўртоғи билан бирга Булоқбоши бозорига бориб, ўзига, турмуш ўртоғига ва фарзандларига уст-бошлар харид қилиб келишган. «Кўрмаганнинг кўргани қурсин», дейди халқимиз. Эрталаб «дори»дан истеъмол қилиб олган Болтабой хотини билан бозорга бориб ўзига, хотини, болалари ва укасига турли кийимлар олиб берган. Қайтишда фалон пулга машина кира қилиб, таксида уйига қайтган. Бу пулларнинг асл эгалари қаро ер қаърига қўйилгани, уларнинг қариндошларининг юрак-бағри қон бўлиб кетганлиги билан заррача иши бўлмаган. Душанба куни эрталаб туриб томга чиқиб, яшириб қўйган пулларни олиб иккита дуррага ўраб, яна яшириб қўйган. Нафисанинг пул солинган сумкасини, ўзининг қонга ботган жемпер, кўйлак ва шимларини онаси яшаб турган ҳовлидаги ҳожатхонага ташлаб юборган. Эҳтимол Болтабой «ҳамма нарса хамирдан қил суғургандек битади, ҳеч ким билмайди, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади», деб ўйлагандир. Аммо у адашган, ҳа, жуда қаттиқ адашган эди. Донишмандларимиз «арқон қанча чуваланмасин, барибир учи топилади» ёки сал тўпорироқ қилиб «бузоқнинг югургани сомонхонагача», деб бежиз айтишмаган ахир.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди 2001 йил бошида судланувчи, марҳумларнинг қариндош-уруғлари ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини, ашёвий далилларни, экспертларнинг хулосаларини ўрганиб чиқиб, Болтабойни жиноят содир этишда айбдор деб топди ва қилмишига яраша жазолади.

Агар Болтабой жиноятга қўл уришдан аввал Республика Бош прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳозирги кунда асосан билими билан қилни қирқ ёрадиган, жиноятларни очишда Шерлок Холмсдан қолишмайдиган, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурамиз деб, кечани кеча, кундузни кундуз демай фидокорлик кўрсатаётган алп йигит-қизлар хизмат қилаётганликларини билганда жиноятга қўл урмасмиди? Қайдам... Болтабой-ку қилмишига яраша жазосини олди, аммо унга ўхшаш ароққа, «дорига» ружу қўйиб, хомхаёл қиладиганлар ора-сира бўлса-да, учраб турибди, ушбу воқеани эътиборларингизга ҳавола этишни лозим топдик.

**Х. АБДУВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг криминалистика бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси**
**Йўлдош ПАРДА,**
**«Ҳуқуқ» мухбири**

РЕКЛАМА РЕКЛАМА






**«ХОРАЗМ МАВЕРА ПЛАСТ»**

Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси

*Уйингиз ва офисингиз кўркига кўрк қўшадиган замонавий, шинам ва юқори дид билан ишланган мебелларни таклиф этади.*

Манзилимиз: Хива ш., Куюк кўл п.
Тел.: (36237) 63089, 63090.
Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 41.
Тел.: (3712) 74-20-46, 74-29-29, 75-16-19.







«СИНТА» фирмаси «SAMSUNG» компаниясининг қиш-ёз кондеционерларини харид қилишга таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 18.
Тел.: 50-47-67.

**«РАҲБАР ОНА СИЙМОСИ» фирмаси**

Музлатгичлар, кондеционер ва кир ювиш машиналарини тез ва сифатли таъмирлаб беради. Шунингдек, оқ халатларни пул ўтказиш йўли билан сотади.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 12-уй.*
Телефон: 46-96-87.

**«РАВШАН» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ**

Тез ва ишончли транспорт хизмати кўрсатади. Ҳар қандай юкингизни исталган манзилга етказиб беради.



*Манзил: Ўриксор даҳаси, Обводная кўчаси. Мўлжал: 18-автопарк.*
*Телефонлар: 47-03-06, 47-05-55.*




Адрес: г. Ташкент, Мирабад. р-к, 2-й этаж, салон «Parda», чп «Кодиржон бизнес».
Тел.: 54-88-89, 54-57-17, 152-72-11, 78-69-44 (веч.)




**«ШИШКИН» фирмаси**



**Автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар сотади.**

Ҳақ тўлаш исталган усулда.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 6-уй.*
Телефонлар: 78-77-29, 77-72-72.

● ФУТБОЛ

## ЭРТАГА ҚАЙДАДИР БАЙРАМ...

Ҳаётда инсон тақдирини ҳал қилувчи лаҳзалар бўлади. 10 ноябрь футбол бўйича ЖЧ — 2002 саралаш баҳсларида иштирок этаётган терма жамоалар учун шундай кунларнинг биринчиси бўлди.

Руслардан сўнг ЖЧга энг яқин турган украиналиклар Киевда немисларни енгишолмади. Украина — Германия — 1:1. Бутун Осиё кўз тикиб турган Ирландия — Эрон учрашуви 2:0 ҳисобида тугади. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Белгия — Чехия — 1:0, Словения — Руминия — 2:1, Австрия — Туркия — 0:1.

Эртага жавоб учрашувлари бўлиб ўтади. Олдиндан бирон нарса дейиш қийин бўлса-да, «европалик» қардошларимизнинг имконияти энг юқори эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бугунгача эса ЖЧ финал босқичида қатнашувчи қуйидаги жамоаларнинг номи маълум:

Европа — Франция (охирги чемпион), Россия, Португалия, Дания, Швеция, Польша, Хорватия, Испания, Италия, Англия.

Жанубий Америка — Аргентина, Эквадор, Парагвай.

Осиё — Япония ва Жанубий Корея (мезбонлар), Хитой, Саудия Арабистони.

Африка — Камерун, Нигерия, Тунис, ЖАР, Сенегал.

Шимолий ва Марказий Америка — Коста-Рика, АҚШ, Мексика.

ЖЧнинг энг охирги қатнашчиси 1 декабргача аниқ бўлади.

**Ҳасан НИШОНОВ**




Тузувчи: Жаҳонгир МАҚСУМОВ

**Кашандалик тараққий этган мамлакатларга қараганда қолоқ мамлакатлар аҳолиси ўртасида оммавийлашганроқ бўлар экан. Балки бу ижтимоий - иқтисодий муаммолар билан боғлиқдир. Бу гаплар қанчалик рост-ёлғон билмадиму, аммо - лекин юртдошларимиз орасида кашандалар сони ортиб бораётгани бор гап. Ҳар қалай менга шундай туюлади. Албатта гап тамакининг бежирим ва чиройли тури — сигареталар ҳақида кетаяпти. «Сигаретни чекишга чиқарган-да» дейишингиз мумкин. Бунга кўп ҳам эътирозим йўқ. Аммо-лекин овунчоғимизни болалар ва хотин-қизлар қўлида кўрсам, кашанда сифатида сира тоқат қилолмайман. Шу сабаб «чекишни ташлаш керак», деб ҳеч кимнинг энсасини қотирмай-да, чекишнинг «жинси латиф»ларга зарари тўғрисида икки оғиз.**

● НУҚТАИ НАЗАР

## ЧЕКИШНИ ҚАЧОН ТАШЛАЙМИЗ?

Ўтган асрнинг бошларида ҳатто Европада ҳам кашанда аёллар «оқ қарға»дай гап эди. Бугунги ҳисоб-китобларга қараганда эса ер юзидаги аёлларнинг 12 фоизи кашанда экан. Бу дегани ҳар 12 аёлдан бири тамаки тутатади. Шу кетишда, агар улар ёнига вояга етмаганларни ҳам қўшсак, ҳадемай эркакларни сигарет билан таъминлаш ҳам бир муаммога айланади, чоғи.



Илгари эркакларга «тегишли» бўлган ўпка раки хасталиги ҳозирда аёллар энг кўп дучор бўлаётган дардлардан бирига айланди. Энг ачинарли жиҳати эса, никотиннинг наслга етказадиган зараридир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чекмайдиган аёлларга нисбатан кашанда аёллардан туғилган болалар ичида мутантлар кўп учрар экан. Сабаби никотин ҳам наркотиклар сингари генларга салбий таъсир кўрсатади.

Кашанда аёлларда боланинг ўлик ёки «ой-куни» тўлмай туғилиши ҳолатлари кўп учрар экан. Баъзан тамаки бепуштликка ҳам олиб келиши мумкин, дейишмоқда тадқиқотчилар.

Ана шу томонларига қараб туриб, балки аёлларга чекишни тақиқлаб қўйувчи қонун қабул қилиш керакмикин, деган фикрга ҳам борасан киши. Ахир нималар қилиш мумкин эмас, аёл зотини она бўлиш бахтидан бебаҳра қилувчи ҳар қандай воситага, кучларга қарши...

Албатта, бу шунчаки бир гап. Чекиш- чекмаслик ҳар кимнинг ихтиёри. Ундан кейин, инсон ҳуқуқлари деган гаплар бор.

Маслаҳатим, юқоридагилардаги мисоллардан таъсирланиб, шунчалик экан, тамаки савдоси-ю уни ишлаб чиқариш, ҳамманинг меъдасига тегиб кетган сигарета рекламалари нега лимит билмайди, деган ўйга боришдан олдин унинг иқтисодиётда тутган ўрнини бир чамалаб кўринг. (Бунда Сиз тамаки етиштираётган деҳқондан тортиб, тамаки саноати-ю ва ҳоказолар, ҳатто сигаретфуруш холаларни ҳам ҳисобга олинг, албатта)

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор деганларидай, сигаретда ҳам инсон организми учун фойдали жиҳатлар йўқ эмас экан. Бир қатор олимларнинг фикрича, айнан тамаки паркинсон хасталиги, йўғон ичак яллиғланиши каби касалликларнинг олдини олар экан. Яна бир жиҳати, кўпчилик биладики, тамаки асабларни тинчлантиради, алдаб бўлса-да овутади. Тамакининг шизофрения (руҳий хасталикнинг бир кўриниши)га йўлиққанларга ҳам фойдаси бор. (Ўзим гувоҳ бўлганман руҳий хаста кишининг босиб-босиб сигарет чеккач, бинойидай гурунг берганига) Шизофренияга дучор бўлганлар узлуксиз тамаки чекиш билан руҳий зўриқишдан қутулгандай бўлишади. (Бу хулосаларни берган врачларнинг шизофрения, йўғ-э, кашанда эмаслигига далилим йўқ)

Энди кашанда ўртоқлар «никотин таёқча»лари зарбидан камроқ жабрланиш учун нималар қилиши кераклиги хусусида бизга бир-биридан чиройли қутичаларда тутун жўнатаётган мамлакатлар олимларининг тавсиялари билан танишиб чиқинг.

*1. Имкон қадар кўпроқ сув ичинг. Иложи бўлса, кунига бир литр сув ичинг. Камроқ газланган бўлса яна яхши. Сув аъзолардаги токсинларнинг тезроқ ювилиб кетишига ёрдамлашади.*

*2. Сигаретни охиригача чекмай ташлаб юборақолинг. «Охири заҳар».*

*3. Фильтрсиз сигарет чекманг. Фильтрли, айниқса кўмирли фильтр ўрнатилгани яхшироқ. (Шубҳасиз ўзимизники бўлган «ХОН» ҳам бўлаверади)*

*4. Сигаретни лунжингизда кўп тутиб турманг.*

*5. Спортдан қочманг. Кашандаларга спорт билан жиддий шуғулланиш зарар, деган гапга ишонманг. Фақат бошланишида юракни зўриқтириб қўймасангиз бўлгани.*

*6. Минтолли сигарет чекманг. Минтол никотиннинг зарарини кучайтиради.*

*7. Кўк чой ичинг. (Бу реклама эмас!) Организмни тозалашда унга тенг келадигани йўқ.*



*8. Витаминга бой мева-чевалар, сабзавотларнинг кашандалар учун ҳам фойдаси кўп экан.*

Тавсиялар охирида эслатиб қўяй: бир кунда бир қути сигарет чекувчи кашанда юрак мушакларидаги никотиндан фориғ бўлиши учун камида беш йил керак бўлар экан. Яна бир ўйлаб кўрса арзийдиган рақам: 1 дақиқада дунё бўйича 150 га яқин киши кашандалиги сабаб ҳаётдан кўз юмади. Ҳозирча шу, қолганини кейин гаплашамиз. Хўш, биродар, чекишни қачон ташлаймиз?

**ШАВКАТ**

**TV - АНОНС**

**«Қонун ҳимоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда.**

**Кўрсатувнинг мазкур сонида Бухоро вилояти прокуратура органларининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари хусусида сўз юритилади.**

**Мазкур кўрсатув 23 ноябрь, жума куни ЎзТВ —1 дастури орқали кеч соат 18.30 да эфирга узатилади.**

● ЛАТИФАЛАР

## ЭШИТИБ ҚОЛСА, ХАФА БЎЛАДИ

— Янги кўчиб келган қўшниларимиз жуда аҳил эканми,— деди эр хотинига.— Ҳар куни эрталаб ишга кетаётганда эри хотинини ўпиб кетади.

— Уларни мақташинг яхши,— деди хотини,— аммо айт-чи, нега сен шундай қилмайсан?

—Қизиқмисан, хотин, мен уларни ҳали яхши танимайман-ку.

***

— Анави маймун Густав тоғамизга қуйиб қўйгандек ўхшарканми? — деди эр хотини билан зоопаркда айланиб юришганда.

— Қўйсанг-чи, эшитиб қолса хафа бўлади,— деди хотини.

— Нималар деяпсан, қаердан эшитарди, ахир у банан ейиш билан овора-ку.

***

— Битта тўтиқуш учун ўттиз сўм тўладингми? Бу ахир турган-биттани аҳмоқгарчилик-ку. Бунинг устига олиб келган тўтиқушинг гапиришни ҳам билмас экан,— ўдағайлай бошлади хотини.

— Гапирмаслиги рост,— деди эр,— аммо қара, у қандай чуқур хаёлга толиб ўтирибди.

***

Херманн жуда хасис киши эди. Бир куни почтага бориб сўради:

— Айтинг-чи, битта телеграмма жўнатиш учун қанча тўлашим керак?

— Бу энди телеграммадаги сўзлар сонига боғлиқ,— деди почта ходими,— аммо табрик телеграммалари учун ҳақнинг ярми тўланади, холос.

— Бўлмаса ёзинг,— деди Херманн,— «Севгилим Хилда! Мен сени эртага ёнингга етиб боришим билан табриклайман!».

**Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси**